



## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМДА ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ГЕНЕЗИСИНИНГ ТАРИХИЙ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

*Сулаймонов Махмуджон Шухратбекович*

*Андижон давлат педагогика институти эркин изланувчиси.*

**Аннотация:** Фуқаролик позицияси нафақат давлат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, балки унинг сиёсатини белгилаш ва амалга оширишдаги иштирокни ҳам ўз ичига олади. Тезисда фуқаролик жамияти ҳамда фуқаролик позицияси генезисининг тарихий фалсафий таҳлили ёритилган.

**Калит сўзлар:** фуқаролик жамияти, Амир Темур, диний қарашлар, фуқароларнинг давлат бошқаруви, фалсафий ғоялар, Руссо, сиёсий партиялар.

Буюк саркарда Амир Темур ўзининг темур тузуклари асарида “Пирим Зайниддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким, “Абудмансур Темур, салтанат ишларида тўрт нарсга амал қилгин, яъни 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат, 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гапларини жойил одамга қиёс қилиш мумкин; унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай. Шундай экан, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизиш, токи оқибатда надомат келтиргай. Шундай экан, салтанат бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмагайсан. Шуни ҳам билишинг керакким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлғай, яна бир қисми бўлса билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка солиш билан битур. Бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан



сўнг қатъийлик сабр, чидамлилиқ, соғлигу сергаклик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилур. Амир Темур ўз замонасининг буюк саркардаси бўлишига қарамасдан кенгаш ва машваратлар ўтказгани ва кенгаш аъзоларининг фикрларига қулоқ солиб, мамлакат бошқарувининг ташкил этиши тақсинга сазовордир. Амир Темур ўз даврининг энг буюк саркардаси бўлгани ҳолда кенгашларда билдирилган фикрларни ўрганган ва фикрлаши соғлом бўлган кенгаш аъзоларини тўплашга ҳаракат қилган.

Амир Темур “Темур тузуклари” китобида “Туғлуқ-Темурхон, (саркардалари) Бекчик, Хожибек эркинит, Улуғ Туктемур керапайт ва Жетенинг бошқа амирлардан уч фавж тузиб, уларни Мовороуннаҳр мамлакатини талон-тарож қилиш учун юборганлиги, ўша фавж кўшин Ҳузор деган жойга келиб тушганлиги хабари менинг қулоғимга етди. Шунда Туғлуқ Темурхонни бориб кўришдан илгари бу очкўз амирларни кўрганимда уларни хайбатим босди шекилли кўп хурмат кўрсатиб, мени ортиқча сийладилар. Уларнинг кўзларига ўхшаш кўнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совға-соврун йўсинида уларга берилган ҳар турлик тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мавороуннаҳрни босиб олиш ва талон тарож қилиш ниятидан қайтдилар. Шундан сўнг тўғри бориб Туғлуқ Темурхон билан кўришдим.” Мана шу даврда, яъни ўрта асрларда Европада христианлик анъаналари доирасида ижтимоий фикрда ўзгаришлар юз берди. Черков ўзининг муқаддас қоидалари орқали жамият аъзоларини илоҳий қонунларга сўзсиз чақирар ва шу орқали уларнинг алоҳида фикри бўлмаслигини уқтирар эди. Тафаккур қилган, мавжуд вазиятга танқидий муносабатда бўлганлар эса таъқиб қилинган ва жисмоний йўқ қилинган. Бу ўринда Рим папасининг “Мутаасиблик – тақвонинг онасидир” деган сўзлари мавжуд вазиятни тўла тасвирлаб беради. Ҳар қандай дин доирасида фуқаролик позициясининг бўлиши мантиқий жиҳатдан тўғри эмас. Чунки фуқаролик позициясини ўзагида фуқаро деб аталган ижтимоий фаол, сиёсий етук шахс туради. Унинг дунёқарашида мавжуд қоидаларга сўзсиз итоат



эмас, балки онгли равишдаги муносабат ётади. Ҳозирги кунда дунёнинг катор мамлакатларида фуқаролик позициясини шакллантиришда диний ресурсларга таяниш ҳолатлари учраб туради. Ёинки диний асосдаги қарашлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракатларининг мафкураси сифатида шакллантириш ҳоллари ҳам мавжуд. Мисол учун, Толибон ҳаракатининг ғоялари мавжуд қуролли кучларнинг расмий мафкурасига айлантирилган. Мана шундай диний қарашларга асосланиб ҳозирги кунда 500 минг нафар ёшлардан иборат шаҳидлар армиясини тузиш ишлари бошланган. Бу каби ҳарбий тузилмалар тактик жиҳатдан ниҳоятда самарали жанг қилиши ва кўзланган мақсадга эришиши мумкин. Лекин, стратегик жиҳатдан давлатнинг мазмун моҳияти, ижтимоий шартнома фуқаролик позициясига эга бўлмаган шахслардан таркиб топган тузилмалар муқаррар равишда давлат таназзулиги сабаб бўлиши аниқ. Бу каби мисолларни тарихдан кўплаб топиши мумкин. Шу сабабли ҳам фуқаролик позицияси диний акидаларга асосланиб қолмаслиги, балки демократик кадриятлар асосланиши мақсадга мувофиқ. Агар жамиятда демократик кадриятлар қарор топиб улгурмаган бўлса ва диний кадриятлар устувор бўлса, у ҳолда мавжуд анъаналар доирасида фуқаролик позициясини ривожлантириш чораларини кўриш зарур. Маълумки фуқаролик позициясини шакллантириш ёки миллатнинг ўзи ўзини таниши ва ўзлиги англаши учун буюк бир воқеа ва ҳодисларни бошидан ўтказиши, катта ғалаба ёки мағлубиятларга сабаб бўлиши керак, деган қарашлар ҳам бор. Мисол учун, ҳозирги Япониядаги тараққиётга унинг 2-жаҳон урушидан кейинги аламли мағлубияти сабаб бўлганлиги ва миллат ўз хатосини ўтказиш учун қаттиқ саъй-ҳаракатлар бошлаганига доир фикрлар ҳам йўқ эмас. Эндиликда ахборот узатиш жараёни анча қулай шаклга келди. Давлатнинг ва жамият институтларининг фуқаролар билан ишлаши учун интерактив инструментлар кўпайди. Шундай экан ўрта асрлардаги каби маълум бир кадриятларга ёпишиб қолмасдан замонавий ахборот технологиялари билан



ишлаган ҳолда фуқаролик позициясини шакллантириш имкониятлари мавжуд. Уйғониш давридаги асосий масала инсонпарварлик экан, унинг моҳиятида инсон қўли билан барпо этилган жамият ва унинг аъзолари томонидан ишлаб чиқилган қоидалар устувор бўлиши кераклиги уқтириб ўтилган. Шу билан биргаликда мана шундай жамиятни барпо этиши зарур бўлган фуқаролар ҳақидаги қарашлар қатор файласуфларнинг асарларидан жой олган. Мана шундай шароитда жамият аъзоларининг олий қадрияти нимадан иборат бўлиши керак, деган саволга жавоб бериб Донато Аччайуоли бундай қадрият адолат бўлиши ҳақида ёзиб ўтган. Чунки, диний қадриятлар ўз ўзидан йўқолиб кетмайди, уларнинг ўрнини Италия Уйғониши ва унинг сиёсий меваси ҳисобланган Венеция республикаси мисолида кўриб чиқадиغان бўлсак адолат ва қонун муқаддаслиги қоидалари эгаллаган. Демак, жамиятдаги мавжуд ўзгаришларнинг асосида энг илғор демократик қадриятлар бўлиши зарур. Акс ҳолда қолоқлик ва эскича қараш билан курашиш ўз натижасини бермайди. Мисол учун, Ўзбекистонда жамият аъзоларининг илғор қисми гендер тенглигини ёқлайди. Аёлларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларига риоя этилиши шарт деб ҳисоблайди. Лекин, бу қадриятларнинг қарор топиши умумий ҳуқуқий маданият билан боғлиқ экани ва аёлларни таҳқирлашни таъқиб қилиш билангина натижага эришиб бўлмаслигини айрим жамият аъзолари тушунмаслиги намоён бўлиб қолмоқда. Фуқаролик позицияси билан узвий алоқада бўлган категория фуқаролик позициясининг генезиси ҳам ушбу тушунчаларнинг ижтимоий-фалсафий моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради. Жуда кўп экспертларнинг фикрича, биринчи бўлиб фуқаролик позицияси тушунчасини илмий истеъмомга киритган аллома Ж.Локкдир. Файласуф ижтимоий шартнома натижасида фуқаролар давлатнинг маълум вазифаларини ўзига олади ва шу орқали адолатли жамият куриш имконияти кенгаяди. Бу эса давлат бошқарувида ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етган шахсларнинг фаол иштирокини тақозо этади. Бундай иштирок



эса кейинчалик фуқаролик позицияси деб номланган категория орқали ифодаланди ва инсоният тараққиётининг ўтган даври мобайнида файласуф ва сиёсатшунос олимларнинг қарашлари билан бойитиб борилди. Мана шундай буюк олимларидан Т.Гоббс фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини ниҳоятда катта баҳолаган. Унинг фикрича, фуқаролар давлат бошқарувини адолатсиз деб ҳисобласа унга бўйсунмасликлари мумкин. Албатта, бу каби фуқаролик жамияти ҳамда фуқаролик позициясининг фундаментал концепциясининг ўша вақтда ишлаб чиқилиши келажак авлод учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Чунки, фуқаролик позицияси нафақат давлат фаолиятини қўллаб-қувватлаш, балки унинг сиёсатини белгилаш ва амалга оширишдаги иштирокни ҳам ўз ичига олади. Фикрлар хилма хиллиги шароитида сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат ва қарама-қаршиликлар шароитида фуқаро ҳар қандай сиёсий кучнинг фаолиятига нисбатан ўзининг позициясига эга бўлиши талаб этилади. Плюрализмсиз фуқаролик позицияси бўлиши мумкин эмас. Чунки, танқидий тафаккургина тараққиётни таъминлаб бера олади. Ҳар қандай қарашлар ва ғоялар эскиради, уларнинг ўрнига эса янгилари келиши табиий ҳолдир. Бу жараёндаги қарама қаршилиқ шароитида айнан фуқаролик позицияси жамият аъзоларини сафарбар этади. Жан Жак Руссонинг фалсафий ғояларида халқ давлат фаолиятини назорат қилиб бориши кераклиги ва бундай назорат халқ йиғинлари тимсолида амалга оширилиши кераклиги уқтириб ўтган. Сиёсий фаолиятнинг муҳим шакли – бевосита демократия ҳозирги кунда камдан кам намоён бўлмоқда. Замонавий технологиялар фуқароларнинг позициясини нисбатан хавфсиз ва айрим ҳолларда аноним усулларда намоён қилиш имкониятини берди. Бу эса жамоатчилик назорати ва фуқаролик позициясини намоён қилиш эндиликда бевосита демократия элементлари билан чекланиб қолмаслиги, балки бошқача анча замонавий усулларда ҳам намоён бўлишини аңлатади. Ана шу даврда яшаган Ж.Локк, Т.Гоббс, Ж.Ж.Руссолар жамият тараққиётида маърифатли шахснинг ўрни



катта бўлишини таъкидлаган ва қонун ҳамда адолат устуворлигига урғу берганлар. Бу фундаментал тушунча нафақат фуқаролик позицияси, балки замонавий сиёсий тизимларнинг ҳам асосини ташкил қилади. Маърифатпарвар жамият ва ана шундай шахссиз Фаробий айтгандек бахт-саодатга эришиб бўлмаслиги, фаровонликни таъминлаш имконсиз экани XXI асрда юз берган воқеалар мисолида ҳам бир неча бор исботини топди. Мисол учун, 2001 йилда АҚШ ва унинг иттифокчилари Афғонистонга бостириб кирди ва бу ерда ғарб моделидаги демократия ўрнатиш учун барча чораларни кўрди. Парламент, президент, ҳукумат ва суд тизими, оммавий ахборот воситалари шакллантирилди. Лекин, 20 йиллик уриниш натижасини бермади ва афғон жамияти ўз орзусидаги фундаментал диний ақидалар устун бўлган давлатни барпо этди. Бу эса маърифатли шахссиз ҳар қандай сиёсий интилишлар ўз натижасини бермаслигини англатади. Немис халқининг буюк алломаси Гегелнинг фикрича давлат – алоҳида шахсларнинг эгоизими устидан қозонилган ғалабадир. Яъни давлатнинг ўзи катта муваффақият. Тартибсизлик ва қарама қаршликларни бартараф этишнинг оқилона йўлдир. Мана шундай шароитда фуқароларнинг ўзаро манфаатларини идора этиш санъати айнан давлатнинг функцияларини тўғри ишлатиш орқали намоён бўлади. Давлат бу жамиятнинг қарама қаршиси ёки унинг рақобатчиси эмас, айнан фуқаролик позисиясига эга бўлган шахслардан таркиб топган жамоадир. Бу эса давлатчилик назариясига доир қарашларни янада ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилди ва фуқаролар фаоллигини давлат мавжудлигининг асосий шarti сифатида қабул қилинишига олиб келди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Темур тузуқлари. Тошкент Гур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси 1991 йил. 14-15 Б.



2. Ле Гофф Ж. Интеллектуалы в Средние века / Аер. А.М.Руткевича. – Долгопрудный: Аллегро-Пресс, 1997. – 210 с.

3. Наматов М.А., & Ламбаль А. (2022). ТАЛИБЫ В АФГАНИСТАНЕ: СЦЕНАРИИ РАЗВИТИЯ. Большая Евразия: развитие, безопасность, сотрудничество, (5-1), 233-235.

4. Рачипа А.В., Алексеева А.В., & Бурьков В.В. (2016). Идея гражданственности в трудах мыслителей эпохи Возрождения. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (4-4), - С.15

5. Упзиков Р.В., Киселёв А.С. О концепции гражданского общества: истоки формирования идеи // Вестник Тамбовского государственного университета. Сер. Политические науки и право. 2016. № 2 (6) С. 67-74.

6. Биряева Анастасия Владимировна, & Севаньяева Валерия Валерьевна (2017). Государство и право в учении Джона Локка. Контентус, (12 (65)), - С.11.

7. Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре. Трактаты: пер. фр. Москва.: Канон-пресс, 1998. – С. 1998.

8. Биряева Анастасия Владимировна, & Севаньяева Валерия Валерьевна (2017). Государство и право в учении Джона Локка. Контентус, (12 (65)), 13.

9. Гегель Г.В. Философия. Москва.: Мысль, 1990. 528 с.